

Ҳикматов Ҳикмат Султонович,
ЧДПУ катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур тезис-мақолада зуллисонайнлик анъанасининг тарихий илдизлари, унинг шаклланиш босқичлари, Шарқ ва Марказий Осиё маданиятидаги ўрни, шунингдек, машҳур зуллисонайн ижодкорлар мисолида ушбу ҳодисанинг моҳияти таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: зуллисонайн, адабий муҳитлар, анъана, маданий бойиш, фикрий тараққиёт, илмий кўприк.

Аннотация: В данной диссертационной статье анализируются исторические корни традиции зуллисонайна, этапы её формирования, её место в культуре Восточной и Центральной Азии, а также сущность этого явления на примере известных художников-зуллисонайнов.

Ключевые слова: культура, литературная среда, традиция, культурное обогащение, интеллектуальное развитие, научный мост.

Abstract: This thesis-article analyzes the historical roots of the zullisonayn tradition, the stages of its formation, its place in the culture of East and Central Asia, as well as the essence of this phenomenon on the example of famous zullisonayn artists.

Key words: culture, literary environments, tradition, cultural enrichment, intellectual development, scientific bridge.

Зуллисонайнлик (икки тиллилик) инсоният тамаддуни тарихида муҳим ўрин эгаллаган маданий-ижтимоий ҳодисадир. Турли халқлар, миллатлар ва маданиятлар кесишган худудларда икки ёки ундан ортиқ тилларни билиш, уларда ижод қилиш, давлат ишларини юритиш ва илмий мерос яратиш табиий эҳтиёж сифатида шаклланган. Марказий Осиё худуди, айниқса, қадимдан турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашгани боис зуллисонайнлик анъанаси бу ерда ўзига хос ривож йўлига эга бўлди.

“Зуллисонайн” атамаси арабча “зу” (эгаси, соҳиб) ва “лисонайн” (икки тил) сўзларидан ташкил топган бўлиб, икки тилни мукамал билувчи шахс маъносини англатади. [Раҳмонзода А. 4:189]. Бу атама кўпроқ адабиёт ва илм аҳлига нисбатан қўлланилган. Бироқ унинг мазмуни кенг бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олади.

Зуллисонайнлик анъанасининг илдизлари инсоният цивилизациясининг илк босқичларига бориб тақалади. Қадимги Миср, Месопотамия, Юнон ва Рим давлатларида турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар кучайгани сабабли таржимонлар ва икки тилли уламоларга эҳтиёж ортиб борган. Масалан, қадимги Юнон маданиятида юнон ва лотин тилларини билган олимлар ва файласуфлар мавжуд бўлган. Кейинчалик Аристотел ва унинг издошлари асарлари юнон тилидан лотин тилига таржима қилиниб, Европа илм-фани ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу жараён зуллисонайнлик маданиятининг ривожланишига замин яратди.

Шарқ дунёсида эса араб, форс ва туркий тиллар ўртасидаги алоқалар зуллисонайнлик анъанасининг мустақамланишига сабаб бўлди. Айниқса, ислом цивилизациясининг шаклланиши даврида араб тили илм ва дин тили сифатида устувор мавқега эга бўлди. Шу боис кўплаб туркий ва форсийзабон олимлар ўз асарларини араб тилида ёзишга мажбур бўлганлар. Кейинги даврларда академик А. Раҳмонзоданинг ёзишича “баъзида назмда шундай шеърлар учрайдики улар уч тилда тожик, ўзбек ва араб тилларида ижод қилинган” [Раҳмонзода А. 4:189].

VII–XII асрларда ислом оламида илм-фан ва маданият юксак тараққий этди. Аббосийлар халифалиги даврида “Байт ул-ҳикма” каби илмий марказлар фаолият юритди. Бу ерда юнон, сурия, форс ва ҳинд тилларидан араб тилига таржималар амалга оширилди.

Марказий Осиёдан чиққан буюк алломалар, жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино араб ва форс тилларини мукамал билган зуллисонайн олимлар эдилар. Улар илмий асарларини асосан араб тилида ёзган бўлсалар-да, миллий маданий муҳит билан узвий боғлиқ эдилар. Масалан, Беруний ҳинд маданиятини ўрганиб, “Ҳиндистон” асарини ёзди. У бир нечта тилни билган ва турли маданиятлар ўртасида илмий кўприк вазифасини бажарган.

Бу ҳол зуллисонайнликнинг фақат адабий эмас, балки илмий анъана сифатида ҳам шаклланишини кўрсатади. Ф.Исомиддиновнинг ёзиши бўйича “Ўрта Осиёда IX-X асрларда айрим адиблар асарларини араб ва форс-тожик тилида ёзганлар. Ўша даврларда араб ва форс-тожик тилларида ижод қилгувчиларни зуллисонайн адиб деб аташган” [Исомиддинов Ф. 6:3].

Марказий Осиё адабий муҳитида туркий ва форсий тиллар асрлар давомида ёнма-ён ривожланган. Форс тили узоқ вақт сарой ва адабиёт тили сифатида етакчилик қилган. Туркий тил эса халқ оғзаки ижоди ва давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган. XIV–XV асрларда Темурийлар даврида маданий юксалиш рўй берди. Бу даврда зуллисонайн ижодкорлар етишиб чиқди. XV–XVI асрларда эса форсий ва туркий адабиётларда зуллисонайнлик ҳодисаси анъана даражасига кўтарилди. [Исомиддинов Ф. 6:3].

Уларнинг энг машҳурлари – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳисобланади. А. Раҳмонзоданинг ёзиши бўйича “Маданий ўзгаришлар ва янгиликлар бошида Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий туришган”. [Раҳмонзода А. 5:114]. Навоий туркий ва форсий тилларда юксак бадиий асарлар яратган. Унинг туркий тилдаги “Хамса”си туркий адабиётнинг нуфузини оширди. Шу билан бирга, у форсий тилда ҳам девон тузган. Навоий зуллисонайнликни фақат амалий эҳтиёж эмас, балки маданий сиёсат даражасига кўтарди. У туркий тилнинг имкониятларини исботлашга ҳаракат қилди.

Навоий замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам зуллисонайн ижодкор эди. У “Бобурнома” асарини туркий тилда ёзган бўлса-да, форсий шеърлар ҳам ижод қилган. Бобурнинг зуллисонайнлиги унинг маданий кенгқамровлигини кўрсатади.

Зуллисонайнлик анъанасининг шаклланишида бир қатор омиллар муҳим рол ўйнаган: сиёсий омил – турли миллатлар яшаган давлатларда расмий ва халқ тили ўртасида фарқ бўлган. Иқтисодий омил – савдо йўллари (масалан, Буюк Ипак йўли) орқали тиллар аралашуви юзага келган. Маданий омил сифатида турли маданиятларнинг ўзаро таъсири назарда тутилган. Диний омил эса араб тилининг ислом дини билан боғлиқ нуфузи саналади. Марказий Осиёда форсий ва туркий тилларни билиш зиёлилар учун табиий ҳол эди. Бу ҳолат зуллисонайнликни маданий меъёрга айлантирди.

Зуллисонайн ижодкорлар икки маданиятни уйғунлаштирган. Улар бир тилда миллий руҳни ифода этган бўлсалар, иккинчи тилда халқаро майдонга чиққанлар. Масалан, Навоий форсий адабиёт анъаналарини туркий шеъриятга татбиқ этди. Шу тариқа у икки маданий макон ўртасида кўприк бўлди. Бобур эса туркий тарихий насрни юксак даражага кўтарди. Бу эса зуллисонайнлик ижодкорга кенг фикрлаш, услубий ранг-баранглик ва маданий мулоқот имконини беради. Бу ҳолат адабиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики Р.Ҳодизоданинг “Адабиёти тоҷик” (олий мактаблар учун дарслик, 1988) дарслигида ёзилишича “XIX аср бошларида Хўқанд адабий доирасида қарийб барча шоирлари икки тилда–тожик ва ўзбек тилларида асарлар ижод қилишган”. [Ҳодизода Р. 6:232].

XIX–XX асрларда миллий уйғониш даврида ҳам зуллисонайнлик муҳим аҳамият касб этди. Жаҳид маърифатпарварлари туркий ва рус тилларини билган ҳолда янги маориф тизимини шакллантирдилар. Бу эса маданий модернизация жараёнида муҳим омил бўлди. Собиқ шўролар даврида ҳам кўплаб ўзбек зиёлилари ўзбек ва рус тилларида ижод қилдилар. Бу ҳолат адабиёт ва илм-фан ривожига янги босқични бошлаб берди. “XX аср бошларида ва октябр инқилоби даврининг авваларида С. Айний ва Ҳ. Ниёзий ўзбек ва тожик адабиётининг шўро давридаги ривожига улкан ҳиссаларини қўшган”. [Сайфуллаев А. 3:223].

Зуллисонайнликни фақат икки тилни билиш деб тушуниш етарли эмас. У маданий идентификация, мулоқот маданияти ва фикрий кенгликни англатади. Икки тилли шахс икки маданий манзарани англайди ва уларни уйғунлаштира олади. Замонавий глобаллашув шароитида зуллисонайнлик янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки халқаро ҳамкорлик, илм-фан ва технологиялар ривожига кўп тиллиликни талаб этмоқда.

Зуллисонайнлик анъанасининг тарихий илдизлари қадимги цивилизацияларга бориб тақалади. Ислом цивилизацияси даврида у илм-фан ривожига хизмат қилди. Темурийлар даврида эса адабий юксалиш билан боғланди. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби зотлар бу анъананинг ёрқин намунасидир. Зуллисонайнлик маданиятлар ўртасида кўприк вазифасини бажаради. У миллатлараро ҳамжиҳатлик, маданий бойиш ва фикрий тараққиётнинг

муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис бу анъана нафақат тарихий мерос, балки замонавий ҷамият учун ҳам муҳим қадриятдир.

Адабиётлар рӯйхати:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон (Китоб ал-Ҳинд). – Тошкент: Фан нашриёти, 1960 (ва кейинги нашрлар).
3. Атахон Сайфуллоев, “Садбарги адабиёт ва ҳунар”, Хўчанд, “Нури маърифат”, 2013.
4. Раҳмонзода А. “Ҳаёт, адабиёт, воқеият”(китоби дуюм) –Душанбе, “Душанбе Принт”, 2024, саҳ. 189
5. Раҳмонзода А. “Дўстлик пайғоми”, Тошкент, “Ilm-Ziyo-Zakovat”, 2023
6. Фарҳод Исомиддинов, Жонмирзо Мирзоев, “Зуллосонайн адиблар”, Тошкент, “Нурли истиқлол”, 2013
7. Ҳодизода Р, Каримов У, Саъдиев С; “Адабиёти тоҷик” –Душанбе, “Маориф”, 1988.

